

## ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ БЎЙИЧА БЎШ ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИ ХОДИМЛАР ТАРКИБИГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

### Ассистентлар

Тиббий профилактика факультетига қарашли  
“Тиббий ва биологик кимё” кафедраси

Тиббий профилактика факультетига қарашли  
“Информатика ва биофизика” кафедраси

Тиббий профилактика факультетига қарашли  
“Фармакология” кафедраси

Тиббий профилактика факультетига қарашли  
“Жамоат соғлиғини сақлаш мактаби” кафедраси

Тиббий профилактика факультетига қарашли  
“Болалар, ўсмирлар ва овқатланиш гигиенаси” кафедраси

Тиббий педагогика факультетига қарашли  
“Нормал ва патологик физиология” кафедраси

Тиббий педагогика факультетига қарашли  
“Фтизиатрия” кафедраси

Тиббий педагогика факультетига қарашли  
“Психиатрия ва наркология” кафедраси

Тиббий педагогика факультетига қарашли  
“Тиббий психология” кафедраси

Тиббий педагогика факультетига қарашли  
“Травматология, ортопедия, ХДЖ ва нейрожарроҳлик” кафедраси

Даволаш факультетига қарашли  
“1-сон факультет ва госпитал терапия” кафедраси

Даволаш факультетига қарашли  
“1-сон факультет ва госпитал терапия жарроҳлиги” кафедраси

Даволаш факультетига қарашли  
“2-сон ички касалликлари” кафедраси

**Хужжатларни қабул қилиш эълон қилинган кундан бошлаб бир ой муддатда ректоратнинг девонхона бўлимига топширилади.**

**Манзилимиз: Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй.**

## СПОРТ – СОҒЛИК ГАРОВИ

“Бадантарбия – соғлиқни сақлашда улугвор усулдир”  
(Абу Али Ибн Сино)

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2018 йил 20 сентябрдаги жисмоний тарбия ва спорт соҳасини ривожлантириш масалаларига бағишланган йўналиш ижроси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 24 сентябрдаги 87-02-2633-сонли топшириқ хати ижросини таъминлаш ҳамда профессор-ўқитувчилар, талаба-ёшлар ўртасида жисмоний тарбия ва спортни оммалаштириш мақсадида Тошкент тиббиёт академияси барча талабалар турар жойларида талабалар мунтазам равишда спорт билан шуғулланиб келишмоқда. Барчага маълумки инсонлар соғлом, тетик ва бақувват бўлишга, ўз ёшлиғи, хусни ҳамда ишчанлик қобилиятини сақлашга ҳаракат қилади.

Бунга эришишнинг асосий омилларидан бири жисмоний ҳаракатдир Абдурауф Фитратнинг ижтимоий тарбия негизда жисмоний тарбияни ташкил этиш, шахсни саломат ва бақувват этиб тарбиялаш масалаларига оид қарашлари диққатга молиқдир “Бадан тарбиясига қадим замонлардан бошлаб катта аҳамият берилган. Инсоннинг бутун аъзоси саломат ва қувватга эга бўлмаса, унда инсон узоқ яшамайди. Агар инсоннинг тана-сидаги аъзоларидан бирига лат тегса, у киши ишдан қўлини тортди, бошқаларнинг муҳтожига айланмади”. Жамиятимизда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш давлат сиёсати даражасига кўтарилиб, айни вақтда, мамлакатимизда жисмоний жиҳатдан етуқ, соғлом авлодни тарбиялаш

борасидаги туб ислохотлар босқичма-босқич амалга ошириб келинмоқда. Зеро, “Қадимги файласуфларнинг, кишини ҳусизлантирувчи ва соғлиғига шикаст етказувчи нарса узоқ вақт жисмоний ҳаракат қилмаслиқдир” деган ўғити ҳар бир инсоннинг ҳаётини шиорига айланса, киши ҳеч қачон касалликка чалинмайди. Буларни англаган ҳолда Тошкент тиббиёт академиясининг 1500 нафарга яқин талабалари, педагог-тарбиячилари, профессор-ўқитувчилари ҳам уюшқоқлик билан ҳар куни 40-50 дақиқа давомида эрталабки бадантарбия билан шуғулланишмоқда. Тиббиёт академиясида профессор-ўқитувчилар ҳамда талабаларнинг бўш вақтларини маданий ва маънавий ҳордиқ чиқаришлари ҳамда соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, уларни спорт билан шуғулланишлари кенг шароитлар яратиш, спорт-соғломлаштириш тadbирлари орқали саломатлигини тиклашга кўмаклашиш, турли хил касб касалликларининг олдини олиш, меҳнат самарадорлигини ошириш мақсадида академияда хизмат қилаётган ишчи ходимлар ўртасида турли хил спорт мусобақалари ташкил қилиниб келинмоқда



Шунингдек, Тошкент тиббиёт академияси “Шифокор спорт мажмуасида” футбол бўйича факультетлараро “Ректор кубоги” мусобақалари бўлиб ўтди.

Стол тенниси (қизлар) мусобақаларида даволаш иши факультети 1-ўрин, Академик лицей 2-ўрин, тиббий профилактика факультети 3-ўринни эгаллади. Бундан асосий мақсад талабаларни Ватанимиз, халқимиз, миллий қадриятларимиз, тарихий, маънавий меросимизга ҳурмат ва садоқатли қилиб тарбиялаш, уларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, тарбиялаш барчамизни асосий бурчимиздир!

**Хабиба НУРБОЕВА,**

**Маънавият ва маърифат бўлими  
услубчиси**



# TIBBIYOTNOMA

TOSHKENT TIBBIYOT AKADEMIYASI NASHRI № 10 2018 YIL 26 OKTYABR

## Қутлаймиз!

Азиз ва қадрли профессор-ўқитувчилар, ҳурматли талабалар. Сизларни касб байрамларингиз билан чин кўнгилдан самимий табриклайман. Доимо соғ-омон, бахтли-саодатли бўлинглар. Умрингизнинг ҳар бир лаҳзаси қувончли ва нурли кунларга йўғрилсин. Заҳматли аммо шарафли касбингиз ортидан келатган халқ олқиши ва раҳмати сизларни юксакларга чорласин. Инсонларни даволаш, соғлиғини яхшилаш, мустаҳкамлаш йўлидаги ишларингизда илмингиз янада ошиб тафаккурингиз теранлашиб бораверсин.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Тошкент Тиббиёт академияси илмий, ташкилий ва бошқа жараёнларда қўлга киритилаётган ютуқларда Сиз ҳурматли ҳамкасбларнинг меҳнатларингиз бекиёсдир. Сизларнинг меҳнатдаги, илмий, ижодий изланишдаги ва ўқув жараёнидаги фидойилигингизни ҳаммиша юксак қадрлаймиз. Билимли, зукко профессор-ўқитувчи ва талабаларимизнинг изланиш, интилиш ва қўлга киритаётган ютуқларидан фахрланамиз.

Муътабар устоз ва мураббийлар, азиз талабалар! Сизларнинг барчангизни касб байрамингиз билан яна бир бор муборакбод этаман. Сизларга узоқ умр, тани-сиҳатлик, оилавий бахт, хонадонларингизга тинчлик ва хотиржамлик тилайман, илмий ва ижодий фаолиятингизда, ўқишларингизда омад ҳаммиша ёр бўлсин.

**Л.ТУЙЧИЕВ,**

**Тошкент Тиббиёт академияси  
ректори**



## Ўзбекистон – Россия таълим форуми

### ОЛИЙ ТИББИЙ ТАЪЛИМ СОҶАСИДА ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

**Жорий йилнинг 18-19 октябрь кунлари Тошкент шаҳрида “Ўзбекистон – Россия таълим форуми” бўлиб ўтди. Ўзбекистон ва Россиянинг етакчи олий таълим муассасалари ташаббуси билан юртимизда биринчи мартаба ўтказилган “Ўзбекистон – Россия таълим форуми” икки давлат Президентлари Администрациялари, Ҳукумат раҳбарлари, Ўзбекистон олий ва ўрта махсус таълим вазирини ва Россия Федерациясининг таълим ва фан вазирини ҳамда Россиянинг 80 дан ортиқ нуфузли олий таълим муассасалари ректорлари иштирок этди.**

Биринчи мартаба ўтказилган “Ўзбекистон – Россия таълим форуми”да Ўзбекистон ва Россия олий таълим муассасалари ректорлари ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш баробарида долзарб вазифа ва масалаларни тўғридан-тўғри ва очик мулоқотда биргаликда муҳокама қилишди.

Анжуманда Россиянинг етакчи олий таълим муассасалари билан қўшма дастурлар асосида талабаларни ўқитиш, факультет ва кафедралар филиалларини ташкил қилиш, ўқитувчилар малакасини ошириш, мақсадли илмий изланишлар олиб бориш, ўқув ва илмий адабиётлар алмашиш, янги ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш учун замин яратилди.

Халқаро форум доирасида Россиянинг нуфузли олий таълим муассасалари ва республикамиздаги олий таълим

муассасалари ўртасида малакали му-тахассисларни ҳамкорликда тайёрлаш мақсадида қўшма лойиҳаларни амалга ошириш бўйича бир қатор шартномалар имзоланди. Жумладан, форум доирасида Тошкент тиббиёт академияси ҳам И.М.Сеченов номидаги Биринчи Москва давлат тиббиёт университети ва Курск давлат тиббиёт университети билан ўзаро ҳамкорлик шартномалари имзоланди.

Шунингдек, “Ўзбекистон – Россия таълим форуми” секцион йўғилишида Тошкент тиббиёт академиясининг ректори Л.Туйчиев “Олий тиббий таълим соҳасида халқаро ҳамкорлик: кадрлар тайёрлашда инновацион ёндашув” мавзусида маъруза қилди. У ўз маърузасида Ўзбекистонда тиббиёт соҳасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар ҳақида маълумот берди.

MUASSIS:  
**TOSHKENT  
TIBBIYOT  
AKADEMIYASI**

MUHARRIR  
**TURDIQUL  
BOBOMURATOV**

TAHRIR HAYATI:  
Q.Nizomov (Bosh muharrir o'rinbosari),  
O.Hazratov, A.Zohidiy, S.Mavlyanov,  
D.Norgulov, L.Abdugodirova, D.Xudoyqulov

Gazeta Pentium-IV  
kompyuterida sahifalandi va Toshkent  
Tibbiyot akademiyasi RISOGRAFida  
400 nusxada chop etildi.  
Manzilimiz:  
Toshkent shahri, Farobiy  
ko'chasi, 2-uy  
Nashr uchun ma'ul  
Q. Nizomov

Gazeta Toshkent Matbuot va axborot  
boshqarmasida 2007-yil 15-yanvarda  
02-0049 raqam bilan ro'yxatga olingan

Mualliflar fikri tahririyat nuqati nazaridan farqlanishi  
mumkin. Maqolalardagi ma'lumotlar uchun  
mualliflar javobgardir  
Бепул тарқатилади



**Ўйлаб айтган ҳар сўздан уялмайди ҳар одам,  
Ёлгонни ҳам яшириб қўёлмайди ҳар одам.**



## ОНА ТИЛИ — БУ МИЛЛАТНИНГ РУҲИДИР

1989 йил 21 октябрда “Давлат тили ҳақида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, 1993 йил 2 сентябрда “Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинди. “Давлат тили ҳақида”ги қонуннинг қабул қилинганлигига бу йил 29 йил тўлди.

Ўтган шу даврда она тили-мизнинг янада сайқалланиши, бадийлиги, тарихийлиги ва дунё миқёсида аҳамияти ҳамда нуфузини оширишга қаратилган қатор маданий, маънавий-маърифий, изланишлар, илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Пировард натижада, бугунги кунда жаҳондаги кўплаб мамлакатлар халқлари давлатимиз рамзлари — Ўзбекистон Республикаси байроғи, герби, давлат мадҳияси қаторида ўзбек тилига ҳам ҳурмат билан қараб, нафис ва бой тил сифатида юксак баҳо бериб келмоқдалар.

Ҳар йили 21 октябрь куни мамлакатимизда тил байрами сифатида кенг нишонланиши анъанага айланиб қолган. Чунки, мамлакатимизда она тилимизни янада ривожлантириш ва такомиллаштириш, унинг миллий руҳини ошириш, маданият ва санъатни юксак поғоналарга кўтариш, шунингдек, лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш соҳасида қабул қилинган Давлат дастури ижросини таъминлашдек, устувор йўналишдаги вазифаларни бажариш том маънода кундалик ҳаётимизга тобора сингиб бормоқда.

Мамлакатимизда изчиллик билан амалга оширилаётган туб ислохотларнинг марказида иқтисодий ислохотлар билан бир қаторда маънавий-маърифий, ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий ислохотлар турганлиги ўз самарасини бермоқда. Айниқса, мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида, бозор иқтисодиёти муносабатларининг тобора шаклланишида, инсон тафаккурининг ўзгаришида фан, таълим, маданият, маънавият ва маърифат, шунингдек, ўзбек тили ва тил маданиятининг ривожланиши халқимизнинг авлоддан-авлодга ўтиб кела-

ётган тарихий урф-одатлари, удумлари, анъаналари, тартиб-қоидалар, турмуш тарзи ва азалий қадриятларининг асосий мезони сифатида намоён бўлиб келмоқда.

Инсоният тарихида тилга доимо катта эътибор бериб келинган. XX аср охирида тилга ижтимоий ҳодиса сифатида қараш гоёси кенг ёйилди. Бу бежиз эмас. Чунки жаҳондаги кўпгина мамлакатлар ўз мустақиллигига эришиб, миллий тиллар давлат тили ёки расмий тил мақомига эга бўлди.

1989 йил 21 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши сессиясининг муҳокамасидан сўнг ўзбек тили давлат тили деб эълон қилинди ва бу тарихий ҳодиса мустақилликдан икки йил олдин рўй берди. Бу улғу мақсадга эришиш ва тарихий воқеликнинг рўёбга чиқарилишида Президентимиз Ислоҳ Каримов бевосита раҳбарлик қилганлар.

1992 йил 7 декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши сессиясида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 4-моддасида ўзбек тили давлат тили мақомига эга эканлиги мустаҳкамлаб қўйилди. Юртбошимиз айтганларидек, “Шу тариқа ўзбек тили мустақил давлатимизнинг байроғи, герби, мадҳияси, Конституцияси қаторида турадиган, қонун йўли билан ҳимоя қилинадиган муқаддас тимсоллардан бирига айланди”.

Жаммики эзгу фазилатлар инсон қалбига тил орқали, она алласи, она тилининг бетакрор жозибаси билан сингади. Она тили — бу миллатнинг руҳидир — дея таъкидлаб ўтилган.

**Азамат РЎЗИҚУЛОВ,**  
клиник ординатор

## ТАЪЛИМ ВА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИ РИВОЖЛАНИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ

(Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатаси аъзоларига Мурожаатномаси асосида)

Янги 2018 йилда республикамиз аҳолиси Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатаси аъзоларига Мурожаатномасини кенг ўрганиб, ундан келиб чиқадиган вазифалар асосида жойларда бир қатор эътиборли тадбирлар ўтказмоқдалар. Тадбирлардан кўзланган асосий мақсад аҳоли ва ёшлар ўртасида ушбу Мурожаатнома ҳамда қарор ва фармонлар моҳияти ва мазмунини кенгроқ тушунтириш ҳамда ўрганишдан иборатдир. Алоҳида таъкидлаш жоизки, Юртбошимизнинг ушбу Мурожаатномасида барча соҳа ривожланишининг ҳуқуқий асоси аниқ қилиб кўрсатиб берилган.

Юртбошимиз ўз нутқларида 2017 йил “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” Давлат дастурида белгиланган чоратадбирларни амалга ошириш муҳим қадам бўлганлигини алоҳида таъкидлади.

Шунингдек, Мурожаатномада биз мамлакат ҳаётига доир ҳар бир қарорни халқимиз билан маслаҳатлашиб, бевосита мулоқот асосида қабул қилинаётганлиги ва “Халқ давлат идораларига эмас, балки давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак” деган гоё бу борадаги фаолиятимиз мезонига айланиб бораётганлиги хусусида ҳам кенг тўхталиб, давлат ходимлари, аввало, биринчи раҳбарлар фақат кабинетда ўтирмасдан, жойларга бориб, аҳолини безовта қилаётган энг долзарб муаммоларнинг амалий ечимини билан шуғулланишига

алоҳида эътибор берди.

Президентимиз ўз нутқларида айнан халқимиз манфаатларини ҳисобга олиб, ижтимоий адолатни таъминлаш бўйича энг муҳим институт бўлган суд-ҳуқуқ соҳасида, прокуратура ва ички ишлар органлари тизимида ҳам катта ўзгаришлар амалга оширилаётганлиги хусусида тўхталиб ўтиб, жорий йилда Ўзбекистон ёшлар иттифоқини ташкил этиш, Хотин-қизлар кўмитаси, “Маҳалла” ва “Нуроний” жамғармалари ишини янада фаоллаштириш бўйича аниқ чора-тадбирлар амалга оширилганлигини эътироф этди.

Мурожаатномада юртимизда яшаб келаётган, лекин фуқаролиги бўлмаган 1100 дан ортиқ шахсга Ўзбекистон фуқаролиги берилди. Ўйлайманки, бу инсон ҳуқуқ ва эркинликларини амалда таъминлашга қаратилган ишларимизнинг яна бир тасдиғи эканлиги ҳамда миллий валюта мизини эркин конвертация қилишга киришганлигимиз, шу билан бирга, давлатимизнинг оптин-валюта захиралари йил давомида 1,1 миллиард долларга кўпайганлигини алоҳида эътироф этди.

2017 йилда янги sanoat корхоналарини қуриш, хизмат кўрсатиш объектларини ишга тушириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобидан 336 мингдан зиёд янги иш ўринлари ташкил этилганлиги фахр билан тилга олинди.

Давоми 4-бетда.

**Она тили энг улғу қадриятдир. Чиндан ҳам она тили қадимий ва бугунги тарихимиз, маданиятимиз, маънавий-маърифий турмуш тарзимиз, адабиёт ва санъатимиз ҳамда келажакимизни акс эттирувчи омил сифатида қимматлидир.**

Она тилимизни эъозлаш, асраш ва келажакка етказишда аждодларимиз чинакам фидойилик кўрсатишгани бежиз эмас. Зеро, улар халқ ва миллат боқийлиги, турли миллий урф-одатлар, ёзма ёдгорликлар, инсоний ақлу идрок ва тафаккур яшовчанлиги бевосита она тили орқали тўлатқис намоён бўлишини ўз вақтида чуқур англашган эди. Улғу мутафаккир шоир Алишер Навоий ўз асарлари орқали тилимиз шарафини улғулади ва тилга эътибор — элга эътибор деган шиор ҳикматни ўртага ташлади. Қолаверса, Ҳусайн Бойқаро ўз рисоласида: “Алишер Навоий туркий тилининг ўлган жасадига жон кюрди” дея чексиз эҳтиром билан беҳад юқори баҳо берган эди.

## ТИЛГА ЭЪТИБОР — ЭЛГА ЭЪТИБОР

1989 йилнинг 21 октябрида республикамиз Биринчи Президенти Ислоҳ Каримовнинг бемисл шижоати ва жасорати билан “Давлат тили ҳақида”ги Қонуннинг қабул қилиниши истиклол йўлида қўйилган илк амалий қадамлардан бири бўлди ҳамда ўзбек тили давлат тили бўлиши лозимлигини асослаб берди.

Ўзбек тилига Давлат тили мақоми берган Қонун қабул қилинганга йигирма тўққиз йил бўлди. Албатта, бу тарих учун жуда қисқа фурсат. Аммо шу қисқа вақт ичида она тилимизнинг соғлигини сақлаш, мавқеини юксалтириш йўлида улкан ишлар амалга оширилди. Мамлакатимизда ўзбек тили эркин қўлланмайдиган бирорта соҳа йўқ. Ўзбек тили ўзининг кенг имкониятини халқаро муносабатларда, энг мураккаб фан соҳаларида тўлиқ намоён қилмоқда. Бугунги кунда давлат аҳамиятига молик йирик учрашувлар, халқаро анжуманлар, тадбирлар, нуфузли спорт мусобақаларида ўзбек тили фаол қўлланилмоқда. Ўтган давр мобайнида қўлга киритилган яна бир улкан ютуғимиз — жамиятимиз барча аъзоларининг тилга эътибор — элга эътибор эканлиги теран англай бошлаганидир. Тилининг ривожини таъминлаш, аввало, жамиятда шундай тушунчаларнинг барқарорлигига, тил эгаларининг бебаҳо бойликка ҳурмат-эҳтиромига боғлиқ. Ўзбек тили таълими мазмунининг тубдан ислоҳ қилингани, шунга мувофиқ янги дарсликлар яратилгани, уларнинг нардан-нашрага тўлдирилгани ва такомиллаштирилган ҳолда чоп этилаётгани ёш авлоднинг тил тарбиясида муҳим аҳамият касб этмоқда. “Давлат тили ҳақидаги” ги Қонун ижросини таъминлашга қаратилган Давлат дастури асосида яратилган 5 жилдли “Ўзбек тилининг изоҳли луғати” маданий ҳаётимиздаги муҳим воқеа бўлганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Унда тилимиз сўз бойлигининг бугунги ҳолати ҳолис ва аниқ акс эттирилган.

Ёш авлодда она тилига ҳурмат ва ва эҳтиром туйғуларини кучайтириш, уларда гўзал сўз сезгисини тарбиялаш гоё муҳим ва ўта масъулиятли вазифадир. Бу фарзандларимизда миллий ўзликни англаш, Ватанга муҳаббат, унинг тақдири учун дахлдорлик, фидойилик туйғуларини мустаҳкамлаш, қарор топтиришининг асосий омилларидан биридир. Тошкент тиббиёт академиясининг профессор-ўқитувчилари ўзбек тилини ривожлантириш, уни асраб-авайлаш, моҳиятини тарғиб этишдек масъулиятли жараёнга ўзининг фаол ҳиссасини қўшиб келмоқда. Ўқув ва меҳнат жамоаларидаги учрашувлар, маънавий-маърифий тадбирлар, анжуманлар, давра суҳбатларида тилимиз тараққиёти бобидаги фикр-мулоҳазалари билан иштирок этмоқда. Тошкент тиббиёт академияси талабалар жамоаси ҳам мамлакатимиз таълим масканларида ўтказилаётган турли хил тадбирларда фаол қатнашиб келмоқда. Яқинда академия миқёсида “Ўзбек тили-давлат тили”, “Устоз ва мураббийлар куни” муносабати билан ўтказилган тадбирларда, талабалар ўзларининг яратган шеърлари ва ўзбек тилининг жозибаси, гўзаллиги, бойлиги ва бетакрорлиги орқали профессор-ўқитувчиларимизни чин қалбларидан табриклашди.

Акмал АСПОНОВ,

Тиллар кафедраси катта ўқитувчиси, ф.ф.н.

## КОРРУПЦИЯ — ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИ КУШАНДАСИ

**“Коррупция” тушунчаси лотин тилидаги “corruptio” сўзидан олинган бўлиб, “бузиш, сотиб олиш” маъносини беради ва унинг грамматик бир илдизли маъноси “коррозия” сўзи, яъни “чириш” ёки “занглаш” деган мазмунни ҳам беради. Шундан келиб чиқиб, бу сўзни ижтимоий кўриниши ҳоқимиятни бузиш, чиритиш орқали сотиб олиш деган маънони англатади.**

Коррупция — вайронкор куч, унинг оқибатида миллий иқтисодиёт издан чиқади, ижтимоий тенгсизлик чуқурлашади, ҳоқимиятга ишонч йўқолади, жамият маънавияти бузилади. Шунинг учун ҳам одамзод қадим замонларданок коррупцияга қарши курашиб келган. Маълумотларга кўра, илк бор бундай кураш миллоддан икки минг беш юз йил аввал Месопотамиянинг Лагаш деган шаҳар-давлатида очилган, лекин ўшанда афсуски, барча саъй-ҳаракатлар зое кетган экан. Кейинги замонларда ҳам коррупцияга қарши не-не курашлар бесамар якун топганига тарих гувоҳ. Аммо XX асрда Швеция, Сингапур, Янги Зеландия каби мамлакатларда коррупцияни дадил жиловлашга муваффақ бўлишдики, шу мамлакатларда орттирилган тажриба яхши натижа бермоқда. Бизнинг мамлакатимизда ҳам коррупцияга қарши курашиш ҳаёт-мамонт масаласи экани тобора чуқур англаб етилмоқда. Президент Шавкат Мирзиёевнинг қонунчилик ташаббуси асосида шу масалада махсус Қонун қабул қилингани ҳам бежиз эмас.

Коррупция барча жамиятларда яшашга қобил бўлса-да, аммо унинг тур ва миқёслари хар хил. Бу иллат қандай кўриниши ва миқёсларда намоён бўлиши қуйидаги омилларга боғлиқ деб ўйлаймиз. Биринчиси, давлат ҳоқимияти ва қонун ҳужжатлари куч ва обрўга эгаллиги. Агар халқ ҳукуматни “ўзимники” деб билса, коррупцияга тоқат қилолмайди. Иккинчиси, бошқарув органлари ва ҳар бир фуқаро жамиятдаги ўз ролини аниқ белгилаб олиши ҳамда шу ролни бажаришда маданий қадрият ва анъаналарга таяниши. Учинчиси, мулкчилик соҳасида давлат сектори ишғол этган ўрни ва бошқалар.

Мустақиллик йилларида давлат ва ҳукумат коррупцияни жиловлаш ва тугатиш масаласида бир қанча ислохотларни амалга оширди. 2008 йилда Ўзбекистон БМТнинг коррупцияга қарши конвенциясига қўшилди. 2010 йили Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилотининг Коррупцияга қарши курашиш тармоғи Истанбул ҳаракат дастури сафига кирди. Бу борадаги халқаро ва миллий ҳуқуқ меъёрларига таянган Миллий режа ишлаб чиқилди.

Коррупцияга қарши курашишнинг ҳуқуқий асосини такомиллаштириш ва демократлаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги (2018 йил 12 апрель), “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги (2017 йил 3 январь) қонунлари қабул қилинди. Бу орқали фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, жамиятда коррупцияга тоқатсизлик муҳитини яратиш кўзда тутилган.

Коррупцияни таг-томири билан қўпориб ташлашга фақат давлат ва ҳукуматнинг кучи билангина эришиб бўлмайди. Шунинг учун мазкур ижтимоий иллатга қарши бутун жамият, барча фуқаролар оёққа турмоғи, курашмоғи зарур.

Суҳроб НОРҚУЛОВ,

ТТА Матбуот котиби, фалсафа фанлари доктори



## ГЛОБАЛЛАШУВ ДАВРИДА ДИН ВА ЁШЛАР МАЪНАВИЯТИ

**Тез ўзгариб бораётган шиддатли замонда – ахборот асрида бефарқ ва бепарво бўлмасдан, аксинча, ён-атрофимизда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга дахлдорлик билан яшаш, жаҳоннинг турли ҳудудларида қайта бош кўтараётган фашизм, миллатчилик, шовинизм, диний ақидапарастлик ва терроризм каби хавфли балою иллатларга нисбатан мурасасиз бўлиш, “оммавий маданият” кўринишларига қарши курашиш ҳақида бот-бот огоҳ этаётган сўзлар бугун шунчаки даъватлар эмас.**

Мамлакатимиз фуқаролари, айниқса, ёшларимиз диний-экстремистик оқимлар таъсирига тушиб қолишининг олдини олишда ўқув муассасалари, ташкилотлар ва маҳалла йиғинлари томонидан ўтказиладиган маърифий тадбирларда ёшларни мустақил дунёқарашга эга ватанпарвар, ҳар томонлама билимли шахс қилиб тайёрлашга урғу бериш, диний-экстремистик оқимлар тарафдорлари тарқатаётган ғояларнинг аслида ислом таълимотига зид экани ва сиёсий мақсадларга йўналтирилганини аниқ далиллар билан исботлаб бериш зарур. Диний экстремистик ташкилот таркибиде содир этган жиноятлари учун жазо ўтаб келган шахслар ва уларнинг оиласи, уларнинг атрофидаги ижтимоий муҳитнинг доимий назоратини ташкил этиш, улар томонидан исломий ғояларни бузиб талқин қилган ҳолда ён-атрофида яшовчи фуқароларга таъсир ўтказишига йўл қўймаслик, бу борадаги фаолиятда имом-хатиб ва маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари имкониятидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Мозийнинг очиқ ва аччиқ сабоги шу – дунёда текинун холис нарсанинг ўзи йўқ. Бировнинг марҳамати-ю маслаҳатига учиб эмас, аксинча, фақат ўз куч-қудратимизга, салоҳиятимизга, миллий қадриятларимизга, имон-иродамизга таяниб иш кўришимиз лозим. Чунки XXI асрнинг иккинчи ўн йиллигида – турли мамлакатлар иқтисоди, маданияти, маънавияти, одамлари ўртасидаги ўзаро таъсир ва боғлиқлик тобора кучайиб бораёт-

ган мураккаб жараёнлар куршовида, яъни глобаллашув замонида яшайми.

Бугун наинки юртимизнинг, балки дунёнинг у чеккасида бу чеккасига қадар – бир қадам. Бугун деярли ҳар бир хонадонда, ўқув даргоҳида, корхонада, кўча-кўйда – замонавий компьютерлар бор ва улар интернетга уланган. Демак, ҳар қандай хабарни тезкор узатиш ва қабул қилиш имконияти мавжуд. Эндиликда замонавий ахборот-коммуникация технологиялари шарофати туфайли инсон ўз уйида ўтирганича дунёнинг турли чеккаларида қандай воқеа-ҳодисалар юз бераётганини нафақат эшитиш, айтиш чоғда кўриб-кузатиш ва ҳатто ўз муносабатини билдириш имконига эга. Давлатимиз раҳбари барча оммавий ахборот воситалари қатори интернет ҳам ёшларимиз учун кенг имкониятлар эшигини очишини таъкидлаб, «Интернет – бу катта бир дўкон. Дўконга борганда, одам хоҳлаган молини сотиб олади. Интернетни ҳам шундай бир бозор, яъни ахборот бозори, деб тушуниш керак», дейди. Бинобарин, ўсиб келаётган авлодни шундай тарбиялашимиз керакки, улар интернет бозорига кирганда фақат ўзи учун зарур нарсани олсин, интернетдаги ахборотдан фойдаланиш маданиятини ўргансин.

Шунинг учун терроризм, диний экстремизм каби таҳдидларга қарши, бошқача айтганда, жаҳолатга қарши маърифий йўл билан кураш олиб бориш, юртимиздаги давлат ва дин муносабатлари ҳақида холис ҳамда тўлақонли ахборот тарқатишни янада яхшилаш мақсадида мамлакатимизда диний ташкилотларнинг махсус сайтларини яратиш юзасидан

бир қанча ишлар амалга оширилаётгани эътиборга моликдир. Жумладан, динга оид ахборот ресурслари: [www.religions.uz](http://www.religions.uz) – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича кўмита портали, [www.tiu.uz](http://www.tiu.uz) – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тошкент ислом университети портали, [www.muslim.uz](http://www.muslim.uz) – Ўзбекистон мусулмонлари идораси портали ва бошқа диний мазмундаги сайтлар фаолият юритмоқда. Ҳозирги даврда кўплаб экстремистик уюшмалар ва ақидапарастлар турли динлар, шу жумладан, христианлик, ислом, яҳудийлик динлари таълимотидан ўзининг нопок мақсадларида фойдаланмоқда. Хусусан, ислом динини ниқоб қилиб, манфур ишларни амалга ошираётган мутаассиб кучлар ҳали онги шаклланиб улгурмаган, тажрибасиз, ғўр ёшларни ўз тузоғига илинтириб, бош-кўзини айлантираётгани ҳам аччиқ ҳақиқат.

Бугун ҳар биримиз бундай ножўя ҳаракатлар аввало муқаддас динимизнинг шаънига доғ бўлишини, охир-оқибатда эса маънавий ҳаётимизга салбий таъсир кўрсатишини чуқур англаб олишимиз ва шундан хулоса чиқаришимиз зарур. Зеро, Президентимиз таъкидлаганларидек, “динга ҳурмат ва эътиқод биз учун ўлмас қадриятдир”. Ўз дини, ўз миллатига содиқ бўлган инсон ҳеч қачон кам бўлмайд.

**Л.МАҲМУДОВ,  
ТТА ўқитувчиси**

## УСТОЗ ВА ШОГИРД ЭЪТИРОФИ – КОМИЛЛИК САРИ ЙЎЛ...

**“Замонавий билим ва касб-хунарларни, хорижий тилларни пухта эгаллаб, катта умид ва ишонч билан ҳаётга қадам қўяётган, эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучи бўлган фарзандларимизнинг муносиб камол топишида ўқитувчи ва мураббийларимизнинг ҳиссаси беқиёс эканини таъкидлаш лозим”...**

**Ш.Мирзиёев**

Дунёда шундай касб эгалари борки, улар меҳнатини қанчалар ардоқлаб, таҳсинлар айтсак камлик қилади. Булар қалбимизга яқин, инсон руҳининг “инженерлари” деб аталмиш шарафли касб эгалари – ўқитувчилардир. Ушбу касбни эгаллаган шахсда аввало инсонийлик, фидойилик ва ватанпарварликдек муқаддас туғғу қарор топади. У инсонни тарбиялаб, вояга етказиши, ҳаётга мазмун олиб кириб комиллик сари йўналтиради. Бу касб ҳаётнинг оқ ва қора ранглари яхши фарқлашга ўргатади. Маънавий-ахлоқий дунёқарашнинг бойишига, фикрнинг тоза ва мусаффо бўлишига, руҳиятан соғлом бўлишга имкон яратади. Хокисорлик, камтарлик, борига қаноат қилиш каби хислатларни тарбиялайди.

Ўқитувчилик касбининг муҳим хусусиятларидан бири шундаки, бўлғуси олим, ёзувчи, инженер, врач ва бошқа касб эгаларининг истиқболи ва муваффақияти кўп жиҳатдан уларнинг устозларига боғлиқдир. Халқимиз азалдан устозларни, ўз билими ва тажрибасини бошқаларга, хусусан, ёшларга ўргатган кишиларни алоҳида эъзозлаган. Бу эзгу анъана истиқлол йилларида юртимизда янгича маъно-мазмун касб этди. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримов ташаббуси билан мамлакатимизда 1997 йилдан буён 1 октябрнинг “Ўқитувчи ва мураббийлар куни” – умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланаётгани муаллим зотига кўрсатилган ҳурмат-эҳтиромнинг юксак намунаси.

Ана шундай байрам тадбири жорий йилнинг 5 октябр куни пойтахтимизнинг муҳташам “Туркистон” санъат саройида бўлиб ўтди. Маданий-маърифий байрам тадбири “Азиз устозларга ҳурмат ва эҳтиром” ҳамда Тошкент тиббиёт академиясига 2018-2019 ўқув йилида ўқишга қабул қилинган талаба-ёшлар учун “Биз Ибн Сино издошларимиз” номли “Талабалikka бағишлов – 2018” деб номланди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг маънавий ахлоқий-тарбия бошқармаси бошлиғи О.Бозоров, Олмазор тумани ҳокими ўринбосари, “Ёшлик” талабалар шўҳарчаси ҳокими Қ.Шоназаровлар ҳам сўзга чиқиб, профессор-ўқитувчиларни ва талабаларни ушбу байрам билан муборакбод этдилар.

Сўнгра академияда фаолият кўрсатаётган бир гуруҳ профессор-ўқитувчилар Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта-махсус таълим вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг, Олмазор тумани ҳокимининг фахрий ёрлиқлари ва Тошкент тиббиёт академиясининг эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Байрам тадбири шуниси билан аҳамиятли ва эсда қоладиган бўлдики, яъни, шу куни Тошкент тиббиёт академиясига жорий ўқув йилида қабул қилинган 1-курс талабаларининг “Талабалikka қабул қилиш” тантанали маросими ҳам бўлиб ўтди. Дастлаб академия ҳақидаги видеоролик тўпланганлар эътиборига ҳавола этилди.

Шундан сўнг Тошкент тиббиёт академиясига 1-курсга ўқишга қабул қилинган талабаларнинг чуқур замонавий билим олишлари билан бирга уларда ватанпарварлик ва шўқроналик ҳиссини шакл-

лантириш мақсадида Ўзбекистоннинг мустақиллигини, унинг Конституцион тизимини, халқ томонидан сайланган мамлакат Президентининг обрў-эътиборини мустаҳкамлаш ва сақлаш, мустақил Ватан тақдирини билан ўз тақдирини чамбарчас боғлаш, тарихимизни чуқур ўрганиш, аждодлар, ота-боболар, эътиқод қилган маънавий қадриятларни ҳурмат қилиш, ҳозирги замон билимларини эгаллашга, бу билан Ватаннинг тараққиёти ва гуллаб-яшнашига ҳисса қўшиш, ота-она олдидаги фарзандлик бурчини унутмаслик, уни тўла адо этиш, ўртоқлари олдида ўзини камтарона тутиш, улар билан дўстлик алоқаларини тобора мустаҳкамлаш каби қадриятларнинг мазмун ва моҳиятини ўз ичига олган “Талабалikka қасамёди” талабалар томонидан қабул қилинди.

Тадбирнинг бадий қисмида академиянинг маданият уйи, бадий ҳаваскорлик тўғараги иштирокчилари томонидан Ватанимиз, устозлар мадҳини тараннум этувчи куй ва кўшиқлар, талабалар томонидан ҳавола этилган ижод намуналари, шеърлар, рақслар ҳамда “Адреналин” ҚВЗ жамоаси томонидан ижро этилган саҳна кўринишлари йиғилганларда катта таассурот қолдирди.


Шу куни талабалар ғазал мулкининг султони Алишер Навоийнинг:

“Ҳақ йўлида ким сенга бир ҳарф ўргатмиш ранж ила,

Айламоқ осон эмас ҳаққин адо минг ганж ила”

ва Қобусномада айтилган “Фарзанд, агар табиб бўлсанг, тиб илмининг усулини яхши билгил, чунки бу илм яхши илмдир, фойдали илмлар жумласидандир”, деган ўғитлар бир-бирига ҳамоҳанг ва уйғун тарзда бир-бирини тўлдиришини яна бир бор юракдан ҳис этишди.

**Шоира ҚОДИРОВА,  
тиббий педагогика факультетининг  
катта ўқитувчиси  
Дўстмурод ХУДАЙҚУЛОВ,  
академия маънавият ва маърифат  
бўлими бошлиғи**



## ТАЪЛИМ ВА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИ РИВОЖЛАНИШИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ

(Давоми. Боши 2-бетда.)

Шунингдек, 2017 йилнинг ўзига 800 минг квадрат метр-дан зиёд ана шундай уй-жойлар қуриб фойдаланишга топширилди. Биргина Тошкент шаҳрининг ўзида жорий йилда 420 минг квадрат метр кўпқаватли уй-жой фонди фойдаланишга топширилди. Бу ўтган йилга нисбатан қарийб 3 баробар кўплиги таъкидланди.

Юртбошимиз ғамхўрлигида Оролбўйида экологик вазиятни яхшилаш юзасидан аниқ чоралар кўрилди. Молия вазирлиги ҳузурида Оролбўйи минтақасини ривожлантириш жамғармаси тузилганлиги ва унга 200 миллиард сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилганлиги, ана шу маблағлар ҳисобидан Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти аҳолисининг сув таъминоти, турмуш шароити яхшиланмоқда. Шу билан бирга, мазкур ҳудудларда 3 минг километрдан ортиқ ички йўллар капитал таъмирланганлиги ва реконструкция қилинганлигини ҳам алоҳида кўрсатиб ўтди.

Президентимиз, фарзандларимиз тарбиясида энг асосий бўгин ҳисобланган мактабгача таълим тизимининг жамиятимиз ҳаётидаги катта ўрни ва аҳамиятини эътиборга олиб, Мактабгача таълим вазирлигини ташкил этилганлигини, кўплаб ота-оналар, ўқитувчи ва ўқувчилар ҳамда кенг жамоатчилик томонидан билдирилган таклифлар асосида юртимизда 11 йиллик таълим қайта тикланганлигини, жойлардаги ўқитувчиларга бўлган эҳтиёжни қоплаш учун Тошкент вилоятида Чирчиқ давлат педагогика институти ташкил этилганлигини, бундан ташқари, 15 та олий таълим муассасасида ташкил этилган махсус сиртки бўлимларда ўрта махсус маълумотга эга бўлган 5 мингдан ортиқ педагоглар учун олий маълумот олиш имконияти яратилганлигини, таълим тизимидаги инновация ва креатив ёндашувлар асосида Муҳаммад Хоразмий ва Мирзо Улугбек номлари билан аталадиган, аниқ фаилар чуқур ўқитиладиган махсус мактаблар ташкил этилганлигини ҳам фахр билан таъкидлади.

Мурожаатномада, янги ташкил этилган институт ва филиаллар ҳисобидан юртимиздаги олий таълим муассасалари сони 81 тага, ҳудудлардаги филиаллар 15 тага, хорижий университетлар филиаллари 7 тага етганлиги, Ўзбекистон Фанлар академияси тизими такомиллаштирилиб, моддий-техник базаси мустаҳкамланди, унинг таркибида бир қатор илмий-тадқиқот институтлари ва марказлар фаолияти тикланганлиги, кўп йиллик танаффусдан сўнг Фанлар академиясига сайлов ўтказилиб, ўзининг илмий ишлари билан мамлакатимиз ва халқаро миқёсда ном қозонган истеъодли олимлар академик деган юксак шарафга сазовор бўлдилар деб алоҳида кўрсатиб ўтди.

Маълумки, қадимий маданият ва цивилизациялар чорраҳаси бўлган юртимиз заминидан ўрта асрларда минглаб олимлар уламолар, буюк мутафаккир ва шоирлар, азиз-авлиёлар етишиб чиққан. Ҳозирги кунда Ўзбекистонимизнинг китоб фондларида 100 мингдан зиёд қўлёзма асарлар сақланмоқда, деб эътироф этди.

Шунингдек, Юртбошимиз ўз нутқларида “2017 йилда 21 та олий даражадаги таширлар амалга оширилди, 60 дан ортиқ давлат ва халқаро ташкилотлар раҳбарлари ва вакиллари билан учрашувлар ўтказилди. Натижада 400 дан ортиқ битим ва келишувларга эришилди, қарийб 60 миллиард АҚШ доллари ҳажмидаги савдо ва сармоявий шартномалар имзоланди. Қабул қилинган ҳужжат ва келишувларни ўз вақтида тўлиқ бажариш мақсадида 40 та “йўл харитаси” ишлаб чиқилди ва хорижий ҳамкорларимиз билан биргаликда амалга оширилмоқда, “Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатида Марказий Осиё – бош устувор йўналиш” тамойилини амалда татбиқ этишга киришдик”, деб алоҳида таъкидлади.

Энг асосийси, билдирилган таклиф ва тавсияларнинг барча-

сини инобатга олиб, Юртбошимиз янги – 2018 йилни юртимизда “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили” деб ном беришни таклиф этганлиги маърузада алоҳида кўрсатилиб ўтилди.

Шунингдек, Юртбошимизнинг Мурожаатномаларида куйидаги 5 та йўналишга алоҳида эътибор берилди. Яъни, Давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари, Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари, Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишлари, Ижтимоий соҳани ривожлантириш бўйича устувор йўналишлар ва хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш ҳамда ташқи сиёсат соҳасидаги устувор йўналишларидир.

Шунингдек, Президентимиз Мурожаатномада аввало, шу йўналишда шаклланган тизим самарадорлигини янада ошириш, айнқса, диний масалалар билан бевосита шугулланадиган ҳоким ўринбосарлари, мутасадди ташкилотлар масъулиятини янада кучайтириш зарурлиги, хусусан, маҳалла раислари, про-филактика инспекторлари, имом-хатиблар, диний-ахлоқий масалалар бўйича маслаҳатчилар, ёшлар, хотин-қизлар ташкилотлари фаоллари – барча-барчамиз биргаликда иш олиб боришимиз лозим деб таъкидлади. Биз диний экстремизм ғоялари таъсирга адашиб тушиб қолган фуқароларни ижтимоий реабилитация қилиш, уларни соғлом ҳаётга қайтариш бўйича ишларни янада такомиллаштириш, ахборот ресурслари орқали тарқатилаётган бузғунчи ғояларнинг олдини олиш мақсадида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари таркибида алоҳида бўлинмалар ташкил этиш, жамиятимизда диний конфессиялар ўртасида ҳамжиҳатлик ва фуқаролар тотувлигини мустаҳкамлашни биз бундан буён ҳам энг долзарб ва эзгу вазифамиз деб билишимиз, шу мақсадда мамлакатдаги диний ташкилотлар фаолиятини такомиллаштириш бўйича зарур чора-тадбирлар кўриш лозимлиги ҳақида ҳам алоҳида тўхталиб ўтди.

Айни пайтда мудофаа соҳасида олдимизда янги ва муҳим вазифалар турганини барчамиз яхши тушунамиз деб таъкидлаб, аввало, **Миллий хавфсизлик концепцияси** ҳамда Мудофаа доктринасининг самарали ва ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш бўйича ҳали кўп иш қилиш лозимлигини алоҳида қайд этди.

Жумладан, Қуролли Кучларни замонавий қурол-аслаҳа ва ҳарбий техникалар билан таъминлаш учун Мудофаа-саноат комплексини шакллантириш ва ривожлантириш давлат дастурини қабул қилиш лозимлиги хусусида алоҳида кўрсатма берди.

Мамлакатимизда қабул қилинган Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ, биз ташқи сиёсат соҳасида барча узоқ ва яқин давлатлар, аввало, қўшни мамлакатлар, халқаро ташкилотлар билан дўстона ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқаларини ҳар томонлама ривожлантириш сиёсатини изчил давом эттириш лозимлиги ҳам таъкидлаб ўтилди.

Хуллас, Президентимиз томонидан Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатаси аъзоларига Мурожаатномасини талабаларимиз, халқимиз, ёшларимиз орасида кенгроқ тушунтириш, унинг барча талабларига ва ундан келиб чиқадиган вазифаларнинг моҳиятини янада кенгроқ ўрганиш, тарғиб қилиш ҳамда ўз ҳаётимизда кенгроқ қўллашимиз ушбу соҳадаги муаммоларни замон талаби асосида ижобий ҳал этишга ёрдам беради.

**Ж.ХОЛМЎМИНОВ,**  
**ТДЮУ “Экология ва аграр ҳуқуқи”**  
**кафедраси профессори, юридик**  
**фанлар доктори**

**Бугунги давр талаблари кечаги куннинг мезонларидан буткул фарқ қилади. Ҳозир замонавий фикрлайдиган, энг сўнгги янгиликлар билан ҳамнафас яшайдиган, кун сайин дунёқарашини бойитиб борадиган кадрларни тайёрлашга эҳтиёж ошиб бормоқда. Бу жараёнда, айнқса, олий таълим тизими зиммасига катта масъулият юкланади.**

## ТИББИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР ВА УЛАРНИНГ ТАЪЛИМ СИФАТИГА ТАЪСИРИ

Кейинги йилларда мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг устувор йўналишларига ҳамда халқаро стандартлар талабларига мос келадиган олий таълим тизимини яратиш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Таълим, шу жумладан олий таълим – бу инсонни тарбиялаш ва ўзгартириш жараёни бўлиб, аввал унда бўлмаган фазилат ва хусусиятни синдиришдир.

Олий профессионал таълимнинг асосий вазифаси нафақат маълум бир йўналишда ўз усул ва ишланмаларини қўллайдиган, балки ўз билми ва кўникмалари билан рақобатбардош бозор иқтисодиёти шароитида ҳам фаолият юрита оладиган мутахассисни шакллантириш.

Олий таълимнинг сифати олий таълимни битирганларнинг ишга жойлашганлиги, уларнинг ютуқ ва эришган мавқелари билан баҳоланади.

Юқори сифатли таълим – бу: Таълим дастурларининг давлат таълим стандартлари ва иш берувчиларнинг талабларига жавоб бериши;

Таълим сифатининг томонлар талабини қондириши (талабалар, иш берувчилар ва ҳ.); Педагогларнинг ўз ишидан қониқиши;

Жамиятга ижобий таъсири, аҳолининг умумий маданияти ва саводхонлик даражасининг ортиши.

Охириги вақтларда тиббий таълим тизимида шундай ўзгаришлар бўлаётгани, улар бу тизимнинг сифат жиҳатидан мутлақо бошқа поғонага ўтаётганлигидан далолат беради.

Олий тиббиёт мактаби – янги юқори технологиялар, янги ўқув дастурлари, электрон ўқитиш воситалари ва давлат таълим стандартларини амалга ошириш учун барча шароитлар мавжуд бўлган маскандир.

Олий тиббий таълим тизими битирувчиларга назарий ва клиник билим, малака ва кўникмаларнинг интеграциясини бериши, замонавий тиббий технологияларни эгаллашни ўргатиши, мутахассис сифатида ижтимоий адаптацияга мойил бўлишини ўргатиши лозим. Бу масалаларни ҳал этиш замон талабларига тўлиқ жавоб берувчи малакали кадрларни тайёрлашда ёрдам беради.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг сифат босқичида мамлакатимизда ахборот коммуникация технологияларини жорий этиш, таълим тизимига хорижий ўқув марказларининг янги педагогик технологияларининг ижобий тажрибаларини жалб этиш ва улардан амалда фойдаланиш таълим соҳасидаги муҳим вазифалардан биридир.

Кейинги йилларда мамлакатимизда

таълим тизимини изчил ривожлантириш борасида кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори таълим тизимидаги ислохотларнинг мантқиқий давоми, ўз вақтида қабул қилинган муҳим ҳужжат бўлди.

Давлатимиз раҳбарининг қарориди 2019/2020 ўқув йилидан бошлаб олий таълим муассасаларида “талабанинг ўзлаштириш даражаси — профессор-ўқитувчилар фаолиятини баҳолашнинг асосий мезони” тамойилини жорий этишнинг аниқ механизмлари белгиланди. Бу айрим ўқитувчиларнинг кўр-кўрона дарс ўтиб, ўзининг ҳам, талабанинг ҳам, энг аянчлиси, етук ёш кадрларга кўз тикиб турган жамиятимизнинг ҳам вақтини ўғирлашдек оғир оқибатларни бартараф қилишга имкон беради.

Яна бир муҳим жиҳати шуки, энди талабаларнинг билимининг назорат қилиш ва баҳолаш борасида янги йўл тутилди. Бунда таълим йўналишларининг ўзига хос жиҳатлари инобатга олинган ҳолда, автоматлаштирилган, талабалар билимининг баҳолашнинг портфолио, тест синовлари, ижодий иш, антиплагиат каби замонавий, шаффоф ҳамда адолатли усуллари жорий этиш кўзда тутилмоқда. Муайян фанлардан дарс берган ўқитувчи-педагогларнинг якуний назорат жараёнидаги иштирокини истисно қиладиган тизимнинг қўлланилиши ҳам таълим тизимида очкилик ва шаффофликни таъминлайди.

Тошкент тиббиёт академиясида Президент қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида бир қатор самарали ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, самарали жамоатчилик назоратини жорий этиш мақсадида талабалар, ота-оналар, Ёшлар иттифоқининг олий таълим муассасаларидаги фаоллари, кадрлар буюртмачилари, профессор-ўқитувчилар ҳамда фуқаролик жамияти институтлари вакилларидан иборат таркибда жамоатчилик кенгаши ташкил этилди. Янги ишга қабул қилинган педагоглар билан шартнома тузишдан аввал уларнинг очик дарсларида жамоатчилик кенгаши аъзолари иштирок этиб баҳо беришди.

Таълим жараёнида жаҳондаги етакчи олий таълим муассасалари тажрибасидан фойдаланиш учун бугунги кунгача Тошкент тиббиёт академиясининг 140 профессор-ўқитувчилари 6 ойлик стажировкага бориб қайтишди. Улар

дарс жараёнида янги педагогик технологияларни кенг қўллаш орқали таълим сифатини оширишга ўз ҳиссаларини қўшишди деб умид қиламиз.

Дарс жараёнининг 50% назарий ва 50% амалий тарзда олиб борилиши талабаларни амалий жиҳатдан тайёрлашга имкон яратиб берди. Билимларни баҳолашда 60% амалиётга ажратилгани ҳам талабаларни амалий кўникмаларни яхшироқ эгаллашлари учун замин бўлди.

Мустақил таълимнинг қониқарсиз ташкил этилганлиги ҳам таълим сифатига ўз таъсирини кўрсатмоқда. Талаба фақат ўқитувчига боғланиб қолган, аксарият талабалар ўқитувчи берган билим билан чегараланиб қолмоқда. Бу камчиликни бартараф этиш учун талаба портфолиосини шакллантириш керак, чунки бу талабани ўз устида ишлашга ундайди. Портфолиодан юқори кўрсаткичга эришган талаба келажакда магистратурага кириш имкониятига эга бўлади. Иш берувчи ҳам талаба портфолиоси асосида хулоса қилиши мумкин.

Талабаларнинг ёзги амалиётига эътиборни кучайтириш ва шу орқали амалий кўникмаларни автоматизм даражасига етказишга эришиш лозим. Амалиётнинг сифатини ошириш учун амалиётни ўташ жойидаги раҳбарларнинг масъулиятини кучайтириш керак. Битирув олди амалиётини талаба келажакдаги иш жойида ўташи ва раҳбарнинг тавсияси билан ишга қабул қилинишига эришиш лозим. Жойларда менторликни йўлга қўйиш орқали назоратни кучайтиришга эришамиз.

Талаба ОТМга қабул қилингандан кейин унинг ота-онасига умумфойдаланувчи тармоқдан (Интернет) боласининг ўқиши, фаолияти тўғрисида маълумот олиш имконияти берилиши керак. Бу, ўз навбатида, шаффофликка олиб келади, деканат ишининг унумдорлигини оширади, ота-онанинг масъулиятини кучайтиради.

Бугунги кунда даволаш факультети талабаларининг сифат кўрсаткичлари бизни қониқтирмайди (2017-2018 ўқув йили якунлари бўйича ўртача 38%), лекин бу кўрсаткични кўтариш авваломбор биз педагогларнинг ишга масъулият билан ёндашимиз, дарс жараёнида янги педагогик технологияларни қўллашимиз, талабаларнинг фанга бўлган қизиқишларини оширишда “устоз-шоғирд” тизимини қўллашимиз, қабул қилинган қарорлар ижросини таъминлашга ўз ҳиссамизни қўшишимизга боғлиқ.

**Б.ХАЛМАТОВА,**  
**Даволаш факультети декани, профессор**

